

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖАМИЛОВ ЮСУФ ЮНУС ЎҒЛИ

**ТАЛАБАЛАРНИНГ МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯГА ОИД
КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ДАСТУРИЙ
ТАЪЛИМ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (физика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Жамилов Юсуф Юнус ўғли

Талабаларнинг муқобил энергияга оид компетенцияларини
ривожлантиришда дастурий таълим воситаларидан фойдаланиш
методикасини такомиллаштириш..... 3

Жамилов Юсуф Юнус ўғли

Усовершенствование методики использования программных
образовательных средств в развитии компетенций студентов по
альтернативной энергии..... 22

Jamilov Yusuf Yunus ugli

The improvment of methodology of using software education tools in the
development of students' alternative energy competences..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 45

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖАМИЛОВ ЮСУФ ЮНУС ЎҒЛИ

**ТАЛАБАЛАРНИНГ МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯГА ОИД
КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ДАСТУРИЙ
ТАЪЛИМ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (физика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Ped2538 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.buxdu.uz) ва "Ziynet" ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қаххоров Сиддиқ Қаххорович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шодиев Ризамат Давронович
педагогика фанлари доктори, профессор

Нуруллаев Бобомурот Нажмиддинович
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30. 12.2019.Ped.72.04 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «24» 09 соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200117, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11 уй. Тел.: (0 365) 221-29-14; факс: (0 365) 221-57-27; e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1067 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200117, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11 уй. Тел.: (0 365) 221-25-87).

Диссертация автореферати 2021 йил «10» 09 кuni таркатилди.

(2021 йил «10» 09 даги 7 - рақамли реестр баённомаси).



Б.Р. Адизов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ранси уринбосари, п.ф.д., профессор

М.Ф. Атоева,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, п.ф.ф.д. (PhD), доцент

Х.О. Жўраев,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар ранси, п.ф.д.,
доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда таълим жараёнини инновацион талаблар асосида такомиллаштириш, иқтисодиётни ривожлантиришда тежамкорлик ва атроф-муҳит муҳофазасига асосланган, муқобил энергияга оид билимларни фанларга интеграциялаш билан боғлиқ ўқув материалларидан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ривожланган давлатлар таълим тизимида илғор тажрибалар ва дастурий таълим воситаларидан самарали фойдаланиш, таълим олувчиларда энергия манбаларини ҳосил қилишнинг техник-технологик хусусиятлари, қурилмалардан фойдаланиш имкониятлари, энергия ҳосил қилишнинг мураккаб жараёнлари билан боғлиқ компетенцияларни ривожлантириш ишлари амалга оширилмоқда.

Жаҳон олий таълим муассасаларида талабаларнинг муқобил энергияга оид билимлар трансформацияси, педагогик хусусиятлари, энергия тежамкор технологиялар билан боғлиқ кўникмаларни шакллантиришнинг дидактик ёндашувлари, физик ҳодисаларни моделлаштириш, таълимда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу илмий изланишлар таълим олувчиларда инновацион энергия турларини ҳосил қилишнинг физик жараёнларига оид хусусий ва таянч компетенцияларни ривожлантириш, муқобил энергия манбаларидан самарали, оқилона ҳамда тежамкорлик билан фойдаланиш маданиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда олий таълим тизимини ислоҳ қилиш, олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш, ўқув жараёнининг мазмунини халқаро таълим стандартлари асосида такомиллаштириш, кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш асосида талабаларнинг муқобил энергияга оид компетенцияларини ривожлантиришда дастурий таълим воситаларидан фойдаланиб, ўқитиш самарадорлигини ошириш имконияти юзага келди. 2021 - 2023 йилларда физика фанлари бўйича таълим сифатини ошириш ва физика соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг натижадорлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурида, “...таълим жараёнига замонавий ўқитиш услубларини, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш; таълим жараёнига “виртуал лаборатория”ларни жорий қилиш; қуёш энергияси ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланишга оид таълим дастурлари бўйича талабалар учун махсус маъруза ва амалий машғулотларни ўтказиш; яримўтказгичлар физикаси, микроэлектроника, материалшунослик ва муқобил энергия манбалари соҳасида илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш” вазифалари белгилаб қўйилган¹. Бу борада таълим тизимида муқобил энергия манбалари ҳамда энергия тежамкор технологияларга доир инновацион билим, кўникма ва малакаларни

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5032-сон Қарори. – Тошкент, 2021 йил 19 март.

ривожлантириш бўйича методик таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, дастурий таълим воситалари асосида ўқитиш методикасини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сон “2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги, 2017 йил 30 июндаги ПҚ-5099-сон “Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги, 2021 йил 19 мартдаги ПҚ-5032-сон “Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш тўғрисида”ги Қарорлари ва 2019 йил 21 майдаги ЎРҚ-539-сон “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг IV. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Муқобил энергия манбаларини такомиллаштириш ва амалиётга жорий этиш бўйича илмий изланишлар республикмизда Ғ.Умаров, Р.Захидов, Р.Муминов, М.Бахадирханов, А.Мамадолимов, Р.Авезов, А.Абдурахмонов, М.Саидов, Н.Зикриллаев, Х.Илиев, Р.Алиев, Б.Очилов, Ю.Ёқубов, Б.Хайриддинов, Т.Жўраевлар, МДХ давлатларида А.Глеуов, В.Германович, Ю.Сибикин, хорижий давлатларда Дж.Твайделл, Д.Бойлс, В.Sorensen, N.Tiwari, С.Танака, S.Fonash, G.Boyleларнинг ишларида тадқиқ этилган.

Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикасини такомиллаштириш, ахборот коммуникацион технологиялар ва дастурий таълим воситаларини қўллаш бўйича Б.Мирзааҳмедов, К.Турсунметов, Н.Турдиев, Қ.Суяров, Ж.Ўсаров, М.Қурбонов, М.Джораев, Ю.Махмудов, Д.Бегматова, М.Даминов,

У.Ю.Юлдашев, Ф.М.Закирова, А.Абдуқодиров, У.Ш.Бегимқулов, Б.Б.Мўминов, Ж.А.Хамидов, О.Х.Тўрақулов, М.М.Арипов, М.Лутфиллаев, О.Мирзабекова, А.Назаров, физикада муқобил энергияга оид ўқитиш методикалари бўйича С.Қаххоров, Ҳ.Жўраев, МДХ давлатларида Е.Веденева, Н.Гомулина, А.Чефранова, И.Земняя, Е.Бондаренко, И.Ипатъева, Ю.К.Бабанский, В.П.Беспалько, И.Я.Лернер, хорижий давлатларда Д.Мамонтов, Т.Хинтон, М.Шеферд, В.Адольф, И.Фруммин, М.Кларин ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Таълимида компетенция тушунчаси, унинг мазмун ва моҳиятини тадқиқ қилиш, шакллантириш, ривожлантириш ва ташхислаш масалаларига оид изланишлар Н.А.Муслимов, Ш.С.Шарипов, О.А.Қўйсинав, Н.Н.Каримова, Ё.Р.Нажмиддинова, Р.Х.Файзуллаев, К.Т.Уматалиевалар, МДХ ва хорижий мамлакатлар олимларидан В.И.Байденко, А.А.Вербицкий, Н.А.Гришина, Э.Ф.Зеер, И.А.Зимняя, А.В.Хуторский, С.Р.Вегер, W.Grabe, J.Harmer, L.Narvey ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-13-3 “Қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини янада такомиллаштириш ва улардаги жараёнларни моделлаштиришни тадқиқ қилиш” (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий грант лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади дастурий таълим воситаларидан фойдаланиш асосида талабаларининг муқобил энергияга оид компетенцияларини ривожлантириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнида муқобил энергия манбаларининг фундаментал ва амалий асосларига доир дастурий таълим воситалари асосида ўқитиш методикасини такомиллаштириш;

талабаларнинг муқобил энергия манбаларига оид компетенцияларини ривожлантиришда, ўқитишнинг инновацион методларидан фойдаланиш, ўқув материалларини танлаш мезонларини аниқлаш асосида таълим жараёни мазмунини такомиллаштириш;

дидактик принциплар асосида талабаларнинг муқобил энергия манбалари ҳамда энергия тежамкор технологияларга доир компетенцияларини ривожлантириш бўйича илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш;

компетенциявий ёндашувлар асосида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш моделини такомиллаштириш ва самарадорлигини тажриба-синов жараёнида амалиётда қўллаш орқали аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти олий таълим муассасалари “Технологик таълим” йўналиши талабаларининг муқобил энергияга оид компетенцияларини ривожлантириш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети талабаларининг муқобил энергияга оид компетенцияларини ривожлантириш методикасини дастурий таълим

воситалари асосида такомиллаштириш мазмуни, шакллари, методлари ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида педагогик кузатув, суҳбат, қиёсий таҳлил, анкета сўровнома, тест, моделлаштириш, эксперт баҳолаш, педагогик тажриба-синов; тадқиқот натижаларини математик-статистик қайта ишлаш усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

таълим жараёнининг электрон-методик таъминоти Articulate Studio, Eхe Learning, Lectora ва iSpring Suite дастурий пакетлари асосида муқобил энергияга оид 3D анимациялар, виртуал лаборатория стендлари ва мултимедиа материалларини қамраб олган дастурий таълим воситаларини ишлаб чиқиш орқали такомиллаштирилган;

талабаларнинг муқобил энергия манбаларига оид билим ва кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган “Alternative choice”, “Targeting method” ва “Concept analysis” каби интерфаол ўқитиш методларини тизимлилик, элективлик, объективлик ҳамда компетенциявий ёндашувлар асосида “Электротехника, радиотехника ва электроника” ва “Таълим тизимида муқобил энергия манбалари” фанларини ўқитиш методикаси такомиллаштирилган;

талабаларнинг муқобил энергияга оид компетенцияларини ривожлантириш жараёнида дастурий таълим воситаларидан ўргатувчи, машқ қилдирувчи, ривожлантирувчи, назорат қилувчи ва баҳоловчи восита сифатида фойдаланиш бўйича кўргазмалилик, квантлаш, тармоқланиш, бошқариш, мослашувчанлик тамойилларига асосланган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилган;

талабаларнинг ижтимоийлик, коммуникативлик, интеллектуаллик, ахборотлилик каби муқобил энергияга оид компетенцияларини репродуктив, продуктив, қисман изланишли, креатив тайёргарлик даражалари асосида баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган ва ахборот билан ишлаш, мулоқотга киришиш, муаммоли вазиятларни ҳал қила олиш, новаторлик қобилиятларини ривожлантириш самарадорлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасалари 5112100-Технологик таълим йўналиши ишчи ўқув режасининг ихтисослик фанлари блокига танлов фани сифатида “Таълим тизимида муқобил энергия манбалари” номли фан киритилган бўлиб, талабаларининг муқобил энергияга оид компетенцияларини ривожлантиришга қаратилган дастурий таълим воситалар комплекси ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган;

замонавий дастурий пакетлар асосида мултимедиа ўқитиш платформасида умумқасбий фанлардан “Электротехника, радиотехника ва электроника” фани бўйича электрон дастурий восита ишлаб чиқилган, ўқув жараёнида ўқув-методик восита сифатида қўлланган;

талабаларни ўқитиш жараёнида муқобил энергияга оид компетенцияларини ривожланганлик даражасини аниқлаш ва объектив баҳолаш, дастурий воситалардан назорат қилиш имконини берувчи мезонлар

ва кўрсаткичларни танлаш воситаси сифатида фойдаланилган ҳамда методик тавсиялар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган.

“Қайта тикланувчи энергия манбалари” фанининг ўқув қўлланмаси асосида талабаларни муқобил энергияга оид компетенциялар мазмунидаги билим, кўникма ва малакаларни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган методик ишланмалар ва тавсиялар ўқув жараёнига тадбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва педагогик тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик методлар воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти талабаларининг муқобил энергияга оид компетенцияларини ривожлантириш методикасини дастурий таълим воситаларидан фойдаланиб такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган ва таклиф этилган модель, дастурий таълим воситалари асосида олий таълим муассасаларида ўқитиш сифати ва самарадорлигини ошириш, таълим жараёнларини тизимли ташкил этиш, ўқув режа ва дастурларини такомиллаштириш, олий таълимни ривожлантиришда қўлланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқилган методикадан олий таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва чора-тадбирлар дастурларини тайёрлаш, таълим мазмуни ва сифатига қўйиладиган давлат талабларини ишлаб чиқиш, ноанъанавий усулда машғулотларни ташкил этиш бўйича ишлаб чиқилган методик тавсиялардан эса дарслик ва ўқув қўлланмалар ишлаб чиқиш ва талабаларнинг олий таълим муассасасини битирганидан кейинги фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Талабаларнинг муқобил энергияга оид компетенцияларини ривожлантиришда дастурий таълим воситаларидан фойдаланиш бўйича тадқиқот натижалари асосида:

талабаларнинг муқобил энергияга оид (ижтимоийлик, коммуникативлик, интеллектуаллик, ахборотлилик) компетенцияларини ривожлантиришга қаратилган “Alternative choice”, “Targeting method” ва “Concept analysis” каби интерфаол ўқитиш методлари ва фаннинг илмий-назарий асослари “Қайта тикланувчи энергия манбалари” номли (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 237-сон буйруғи, 237-598 рақамли гувоҳнома) ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган. Натижада талабаларнинг интерфаол ўқитиш методлардан фойдаланиш кўникмалари шакллантирилиб, муқобил энергияга оид компетенцияларини ривожлантиришга эришилган;

технологик таълим йўналиши талабаларини инновацион ёндашувлар асосида муқобил энергияга оид компетенцияларини ривожлантириш жараёнида дастурий таълим воситаларидан фойдаланиш, умумтехник

кўникмаларни шакллантириш, ишлаб чиқилган дастурий таълим воситаларидан ўқув жараёнида фойдаланишга доир таклифлардан АИФ-2/20 рақамли “Техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида шахсга йўналтирилган инновацион технологиялар асосида малакали инженер кадрлар тайёрлаш ва профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш сифатини яхшилаш” (2019-2021 йй.) мавзусидаги грант лойиҳасини бажаришда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Инновацияларни жорий қилиш ва технологиялар трансфери миллий офисининг 2021 йил 17 августдаги № 01-01/76 сон маълумотномаси). Натижада, дастурий таълим воситалари асосида талабаларининг муқобил энергияга оид умумтехник кўникмалари ривожлантирилган;

мультимедиали ўқитиш платформаси имкониятларидан фойдаланиб Articulate Studio, Exe Learning, Lectora ва iSpring Suite дастурий пакетлари асосида (Электротехника, радиотехника ва электроника дастури) ишлаб чиқилган электрон дастур орқали талабаларни муқобил энергияга оид компетенцияларини ривожлантиришга доир таклифлардан “Қайта тикланувчи энергия манбалари” номли (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 237-сон буйруғи, 237-598 рақамли гувоҳнома) ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган. Натижада, “Таълим тизимида муқобил энергия манбалари” номли электив фаннинг мазмуни такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий-методик ишлар мавжуд бўлиб, шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғи асосида 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, шундан 1 таси хорижий, 3 таси республика ва халқаро илмий журналларда 2 та, республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларда 8 та тезислар чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг 1 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, уч боб, саккиз параграф, жадваллар, расмлар, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан ташкил топган бўлиб, ҳажми 126 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, объекти ва предмети белгиланган, фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик

даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Талабаларнинг муқобил энергияга оид компетенцияларини ривожлантиришда дастурий таълим воситаларидан фойдаланишнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида муқобил энергияга оид таълим жараёнида, дастурий воситалардан фойдаланиш бўйича бажарилган тадқиқот ишлари тизимли таҳлил қилинган, республикамизда муқобил энергия манбаларидан фойдаланишнинг жорий ҳолати ва истикболлари тавсифланган, талабаларнинг муқобил энергияга оид компетенцияларини ривожлантиришда дастурий таълим воситаларидан фойдаланишнинг дидактик имкониятлари ўрганилган.

Бугунги кунда жаҳон таълим соҳасида ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини жорий этиш, замонавий таълим воситалари асосида ўқув жараёнини лойиҳалаш, ахборот таълими муҳитида дастурий таълим воситаларидан фойдаланиш долзарб масала сифатида қаралмоқда. Дунёнинг ривожланган мамлакатларига хос глобал таълим муҳитини шакллантириш, таълимнинг узлуксизлиги ва амалий йўналганлигини таъминлаш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, ўқитишни ривожлантиришда дастурий таълим воситаларидан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Тадқиқотни бажариш давомида муқобил энергия манбаларига оид таълим жараёнини ташкил этишга доир илмий-тадқиқод ишлари мазмунан тизимли таҳлил қилинди. Таҳлил қилинган ишлар асосан халқ хўжалигида фойдаланиладиган муқобил энергия манбалари қурилмалари, уларнинг самарадорлигини ошириш, қурилмаларнинг янги турларини яратиш муамосига бағишланган бўлиб, таълим жараёнини муқобил энергияга оид тушунчалар билан интеграциялаш, талабаларнинг муқобил энергияга оид компетенцияларини ривожлантиришда дастурий таълим воситаларидан фойдаланиш методикасини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқод ишлари бажарилмаганлиги аниқланди. Бу эса таълим жараёнида муқобил энергияга оид ўқув адабиётларининг янги авлодларини яратиш, бу борада дастурий таълим воситаларидан кенг фойдаланишни тақозо этади.

Тадқиқотда қайта тикланадиган (муқобил) энергия манбалари яъни, қуёш энергияси, шамол энергияси, оқар сув энергияси, биогаз, геотермал энергия ва бошқа муқобил энергия турларидан унумли фойдаланиш зарурати, имкониятлари ва қайта тикланмайдиган энергия манбалари, нефт, тошқўмир, табиий газ ҳамда атом электр станциялари ёқилғилари захиралари тизимли таҳлил қилинди (1-расм).

Муқобил энергия манбаларига оид тушунчалар талабаларнинг компетенциявий тафаккурини ривожлантиришга асос бўлади. Талабаларнинг муқобил энергияга оид компетенцияларини ривожлантириш, бўлажак

мутахассисларнинг инновацион касбий фаолиятга тайёрлашда, уларнинг компетенцияларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Талабаларнинг муқобил энергияга оид мотивацияларини инобатга олиб, уларнинг педагогик-психологик ва физиологик хусусиятларига мос равишда (ижтимоийлик, коммуникативлик, интеллектуаллик, ахборотлилик) компетенциялари ривожлантирилди.

Ижтимоийлик компетенцияси - жамиятда бўлаётган воқеа, ходиса ва жараёнларга дахлдорликни ҳис этиш ва уларда фаол иштирок этиш, ўзининг фуқаролик бурч ва ҳуқуқларини билиш, унга риоя қилиш, меҳнат ва фуқаролик муносабатларида муомала ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлиш лаёқатини шакллантиришни назарда тутди.



1-расм. Табиатдаги энергия манбалари

Коммуникативлик компетенцияси – ижтимоий вазиятларда мулоқотга кириша олишни, мулоқотда муомала маданиятига амал қилишни, ижтимоий мослашувчанликни, ҳамкорликда жамоада самарали ишлай олиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутди.

Интеллектуаллик компетенцияси - доимий равишда ўз-ўзини жисмоний, маънавий, руҳий, интеллектуал ва креатив ривожлантириш, камолотга интилиш, ҳаёт давомида мустақил ўқиб-ўрганиш, когнитивлик кўникмаларини ва ҳаётий тажрибани мустақил равишда мунтазам ошириб бориш, ўз хатти-ҳаракатини муқобил баҳолаш ва мустақил қарор қабул қила олиш кўникмаларини эгаллашни назарда тутди.

Ахборотлилик компетенцияси-медиаманбалардан зарур маълумотларни излаб топа олишни, саралашни, қайта ишлашни, сақлашни, улардан самарали фойдалана олишни, уларнинг хавфсизлигини таъминлашни, медиа маданиятга эга бўлиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутди.

Шунингдек, фаннинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда талабаларда фанга оид умумий компетенциялар ҳам ривожтирилди.

Диссертациянинг **“Дастурий таълим воситалари асосида талабаларнинг муқобил энергияга оид компетенцияларини ривожлантириш методикаси”** деб номланган иккинчи бобида дастурий таълим воситаларини ишлаб чиқишга қўйиладиган талаблар ўрганилиб, талабаларнинг муқобил энергияга оид компетенцияларини, дастурий таълим воситаларидан фойдаланиб ривожлантириш модели ишлаб чиқилган, маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини дастурий таълим воситалари асосида ўтказиш методикаси ишлаб чиқилган ва таълим жараёнига тадбиқ қилинган.

Дастурий таълим воситалари, яъни электрон дарслик, электрон ўқув қўлланма, электрон журнал, электрон энциклопедия, электрон кутубхоналар, виртуал кутубхоналар, виртуал лаборатория стендлари, электрон каталоглар, электрон ўқув-услугий мажмуалар, электрон масалалар тўплами, 3D анимациялар, электрон ўқув тренажорлари ва билимларни назорат қилишнинг компьютерли тизимлари, уларни ишлаб чиқишга қўйиладиган талаблар ўрганилиб, талабаларнинг муқобил энергияга оид компетенцияларини ривожлантириш имкониятлари тадқиқ қилинди.


Дастурий таълим воситаларига: инсонлар аро коммуникация воситалари (электрон почта, телефон алоқаси, чатлар, форумлар, видео конференциялар ва бошқалар), ташқи ва ички ахборот ресурсларига уланиш, шунингдек, талабаларга тақдим этиладиган ахборот ресурсларининг ўзи киради. Олий таълим муассасалари асосий ахборот ресурсларини турли фанларни ўрганишга оид электрон дарслик, қўлланма, ўқув-методик мажмуалар ташкил этади. Электрон ўқув-методик мажмуалар деярли барча ахборотли материалларни ягона ахборот мажмуасига жамлаш имконини беради. Бундан ташқари, унда ҳозирги кунда талаб этиладиган зарур интерактивлик, кўргазмалилик, мобиллик, ихчамлик ва уларни кўпайтиришда кам харажат сарфлаш, кўп вариантлик ҳамда текшириш учун топшириқлар ва тестлар ҳажмининг кўп бўлишини таъминлайди.

Таълим жараёнига электрон ўқув-методик мажмуалар жорий этиш талабаларга фан бўйича ахборотнинг тўлиқ манзарасини намоиш этиш, ўқув материални мустақил ўзлаштиришини таъминлаш, назорат ва ўз-ўзини назоратни такомиллаштириш, ўқув жараёнини натижавийлигини оширишга ёрдам беради. Замонавий электрон ўқув-методик мажмуаларнинг афзаллиги дарс жараёнининг янада қизиқарли ўтишини таъминлаш хусусиятидир. Бунда ўқитувчи талабаларни фақат қўллаб-қувватлайди, ўқув ахборотлари оқимидан самарали фойдаланиш ҳамда юзага келадиган муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради.

Дарсларнинг дастурий таълим воситалари имкониятларидан фойдаланиб ўтилиши ўқитувчига бир қанча қулайликлар бериши, фанга оид мавзулаштирилган овозли дастурлар, расмли ишланмалар, ҳаракатли ёзувлар (презентациялар), мультимедия кўринишида яратилган фильмлар, 3D анимациялар талабалар қизиқиши ва таълим олишга бўлган иштиёқини

ошириши, диққатни жалб қилиши ҳамда таълим самарадорлигини ошириши тадқиқот натижалари асосида тасдиқланди.

Масалан, қуёш энергияси асосида ишлайдиган фотоэлементлар, уларнинг ишлаш принципи тўғрисидаги “Яримўтказгичлар. Яримўтказгичларда аралашмали ўтказувчанлик” мавзусини ўқитишда назарий маълумотлар билан биргаликда яримўтказгичли қурилмаларнинг “Вольт-Ампер” характеристикасини аниқлашда виртуал лаборатория стендлари, яримўтказгичларнинг амалиётда қўлланилиши мисолида фотоэлементлар, уларнинг тузилиши ва ишлаш принципи акс этган 3D анимациялардан фойдаланиш таълим олувчиларнинг мавзу юзасидан чуқур билим олишини таъминлайди (2-расм).



2-расм. Фотоэлемент тузилиши, ишлаш жараёни


Дастурий таълим воситаларининг юқорида санаб ўтилган афзалликлари ва ижобий хусусиятларидан ташқари яна кўпгина имкониятлари мавжуд бўлиб, таълим жараёнида талабарнинг муқобил энергия манбалари ва қурилмалари, улардан халқ хўжалигида фойдаланиш, муқобил энергия манбаларидан фойдаланишнинг экология ва атроф муҳит софлигини сақлашдаги аҳамиятига оид чуқур билим олишида, талабаларнинг мотивацияси ҳамда таълим сифати самарадорлигини оширишга хизмат қилиши тавсифланди.

Талабаларнинг муқобил энергияга оид компетенцияларини ривожлантиришда дастурий таълим воситаларидан фойдаланиш тузилмасининг модели ишлаб чиқилди (3-расм).

Бу ерда:

Ижтимоий эҳтиёж компонентида олий таълим муассасалари талабаларининг муқобил энергияга оид компетенцияларини дастурий таълим воситалари асосида ривожлантириш орқали мустақил ишлаш, мантиқий фикрлаш, илмий дунёқараш, ижодкорлик қобилиятларини ўстириш ва

фаолият турлари бўйича малака талаблари ва Давлат таълим стандартлари талабларининг бажарилиши назарда тутилган.



3-расм. Дастурий таълим воситалари асосида талабаларининг муқобил энергияга оид компетенцияларини ривожлантириш методикасини такомиллаштирилган модели

Мақсад компонентида дастурий таълим воситалари асосида талабаларининг муқобил энергияга оид компетенцияларини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш белгиланган.

Талабаларининг муқобил энергияга оид компетенциялари, дастурий таълим воситаларининг дидактик хусусиятларига қараб ижтимоийлик, коммуникативлик, интеллектуаллик, ахборотлилик каби ифодаланди.

Бўлажак мутахассиснинг муқобил энергияга оид таянч компетенцияларини (ижтимоийлик, коммуникативлик, интеллектуаллик, ахборотлилик) ривожлантиришда ёндашувлар, тамойиллар ва дастурий ўқув-методик таъминот белгилаб олинган.

Таълим жараёни (аудитория машғулотлари ва мустақил таълим)да, ишлаб чиқилган интерфаол методлар, фойдаланилган воситалар ва уларнинг дидактик имкониятлари асосида, талабаларнинг ўқув материални мустақил ўрганиш малакасини шакллантириш, назарий билим, амалий кўникма, малака ва муқобил энергияга оид компетенцияларини ривожлантириш жараёни ўқитувчи томонидан мақсадли ташкил этилади ва унинг назорати остида амалга оширилиши белгиланган.

Методлар. “Alternative choice” – “муқобил танлов” методи, фанга оид тушунчалар, билдирилган фикрлар ўртасида боғлиқликни аниқлаш, юзага келган мантиқий чалкашликни тузатиш, фикрларни муайян кетма-кетликда тўғри жойлаштириш ва мантиқий жиҳатдан тўғри ифодаланган маълумотларни танлаш, хулоса чиқаришга ёрдам беради.

“Targeting method” – методи ёрдамида бир вақтнинг ўзида гуруҳнинг барча аъзоларига назарий дарс машғулотларида, мустақил таълим мазмуни бўйича ностандарт топшириқларни бериш орқали уларнинг имкониятларини аниқлаш, баҳолаш ҳамда талабаларнинг ўқув материални мустақил ўрганиш малакасини шакллантириш мумкин.

“Concept analysis” – методи асосида кичик гуруҳлар шакллантирилади, мавзуга оид тушунчалар, муаммоли вазиятлар, қарама-қарши фикрлар ўрганилади, гуруҳлар берган хулосалар тизимли таҳлил қилинади, умумлаштирилади, асосланади ва оптимал ечим кўрсатилади.

Компетенциялар мазмунида талабаларнинг муқобил энергияга оид ижтимоийлик, коммуникативлик, интеллектуаллик, ахборотлилик компетенцияларини ривожлантириш назарда тутилган.

Тайёргарлик даражалари. Баҳолаш мезонлари асосида талабаларнинг репродуктив (ахборот билан ишлаш), продуктив (мулоқотга кириша олиш), қисман изланишли (муаммоли вазиятларни ҳал қила олиш), креатив (фаолиятда новаторлик) каби тайёргарлик даражалари орқали муқобил энергияга оид компетенциялари баҳоланган.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, бўлажак мутахассис ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашда ахборот-таълим муҳитининг ўрни сезиларли даражада салмоқли бўлиб, бунда дастурий таълим воситаларидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Диссертациянинг **“Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш, ўтказиш ва натижалар таҳлили”** деб номланган учинчи бобиди

талабаларнинг муқобил энергияга оид компетенцияларини ривожлантиришда дастурий таълим воситаларидан фойдаланиш методикасини такомиллаштиришга қаратилган педагогик тажриба-синов ишларини ташкил қилиш ва ўтказиш, педагогик тажриба-синов ишлари натижаларининг математик статистик таҳлил натижалари изоҳланган.

Педагогик тажриба-синов ишлари олий таълим муассасаларининг 5112100-Технологик таълим йўналиши талабалари мисолида, Бухоро давлат университети, Навоий давлат педагогика институти ва Термиз давлат университетида, уч босқичда 2018-2019, 2019-2020, 2020-2021 ўқув йиллари мобайнида амалга оширилиб, тажриба ва назорат гуруҳларида жами 486 нафар талабалар иштирок этди.

Шундан, Бухоро давлат университетида жами 164 нафар (тажриба гуруҳларида 78 нафар, назорат гуруҳида 86 нафар), Навоий давлат педагогика институтида жами 152 нафар (тажриба гуруҳларида 74 нафар, назорат гуруҳида 78 нафар) ва Термиз давлат университетида жами 170 нафар (тажриба гуруҳларида 82 нафар, назорат гуруҳида 88 нафар) талаба респондентлар қатнашди.

Талабаларининг муқобил энергияга оид назарий билим, амалий кўникма, малака ва компетенцияларини ривожлантириш, ўқув жараёнида, дастурий таълим воситалари орқали, бўлажак мутахассис ўқитувчини касбий фаолиятга тайёрлашда қўлланилаётган малака талаблари, ўқув режа, фан дастурлари ва ўқув адабиётлари, ўқув-лаборатория хоналарининг моддий-техник базаси ўрганилди, имкониятлар тизимли таҳлил қилинди.

Талабаларининг муқобил энергияга оид назарий билим, амалий кўникма, малака ва компетенциялари таҳлил қилинди, умумкасбий ва ихтисослик фанлари мазмунида муқобил энергияга оид дастурий таълим воситаларидан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш жараёни педагогик тажрибалар асосида ўрганилди ва умумлаштирилиб, анкета сўровномалари ўтказилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, ўқитишнинг анъанавий шакллари эндиликда таълим жараёнини инновацион ташкил этиш масалаларини (масалан, электрон ва масофавий таълимда) тўла ҳал этишга қодир эмас. Таълим ва тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишда дастурий таълим воситаларини қўллаш ва уларни инновацион педагогик технологиялар билан интеграциялаш илмий-методик асосланди.

Талабаларнинг муқобил энергияга оид компетенцияларини ривожлантиришда дастурий таълим воситаларидан фойдаланиш бўйича ишлаб чиқилган методикани синовдан ўтказиш ишлари олиб борилди, натижалар умумлаштирилиб, хулосалар амалий жиҳатдан текшириб кўрилди ва олинган натижалар математик-статистик методлар ёрдамида қиёсий таҳлил қилинди (1-жадвал).

Талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари аъло 86-100%, яхши 71-85%, қониқарли 55-70%, қониқарсиз 55% каби баҳолаш мезонлари асосида узлуксиз назорат ва мониторинг амалга оширилди.

- аъло баҳолаш кўрсаткичи назорат гуруҳларида тажриба бошида 16,3 % талабалар юқори даража кўрсатган бўлса, тажриба охирида 22,6 % талаба юқори баҳоланди, тажриба-синов гуруҳларида эса тажриба бошида 14,6 % талаба юқори даражада баҳоланган бўлса, тажриба охирида 33,7 % талаба юқори даражага эришди;

1-жадвал

Олий таълим муассасаларида ўтказилган тажриба-синов натижалари

Ўзлаштириш кўрсаткичи	Тажриба-синов гуруҳлари				Назорат гуруҳлари			
	Тажриба бошида талабалар сони	%	Тажриба охирида талабалар сони	%	Тажриба бошида талабалар сони	%	Тажриба охирида талабалар сони	%
Аъло	35	14,6	82	33,7	40	16,3	55	22,6
Яхши	75	31,1	127	52,5	81	33,2	102	41,8
Қониқарли	96	39,7	33	13,8	94	38,5	80	32,7
Қониқарсиз	36	14,6	0	0,0	29	12,0	7	2,9

- яхши баҳолаш кўрсаткичга эришган талабалар сони назорат гуруҳларида дастлабки босқичда 33,2 % бўлган бўлса, охириги босқичда бу кўрсаткич 41,8 % ни ташкил этди, тажриба-синов гуруҳларида дастлаб бу кўрсаткич 31,1 % бўлса, тажриба охирида 52,5 % га эришилди;

- қониқарли баҳолаш кўрсаткичи талабалар сони назорат гуруҳларида 38,5 % дан 32,7 % га камайди, тажриба-синов гуруҳларида эса 39,7 % дан 13,8 % га камайди;

- қониқарсиз баҳолаш кўрсаткичи талабалар сони назорат гуруҳларида 12,0 % дан 2,9 % га камайди, тажриба-синов гуруҳларида эса 14,6 % дан 0 % га камайди (4-расм).

Педагогик тажриба-синов натижалари таҳлили, дарс машғулотларида дастурий таълим воситаларидан фойдаланиш, талабаларнинг муқобил энергияга оид компетенциялари сезиларли даражада ошганлигини кўрсатди. Таълим жараёнида дастурий воситаларидан фойдаланилганда талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларида ижобий натижалар қайд этилди.

Мазкур натижалардан тажриба гуруҳида олиб борилган тадқиқот ишлари самарали эканлиги кўринади.


Тажриба-синов ишларини амалга оширишда К.Пирсоннинг χ^2 мезонига мувофиқ тажриба ва назорат гуруҳлари талабаларининг ижтимоийлик, коммуникативлик, интеллектуаллик ва ахборотлилик компетенциялари қиёсий таҳлил асосида баҳоланди.

$$\chi_{n,m}^2 = \frac{1}{n \cdot m} \sum_i \frac{(n_i \cdot m - m_i \cdot n)^2}{n_i + m_i}. \quad (1)$$

Бу ерда i эркинлик даражаси, $\chi_{n,m}^2$ критерийсининг озодлик даражаси, m - тажриба гуруҳидаги талабалар сони (респондентлар), n - назорат гуруҳидаги талабалар сони (респондентлар).

Шундай қилиб, $\chi_{n,m}^2 = 68,4 > 38,9 = 3_{кр}$ тенг эканлиги аниқланди.

Олинган натижалардан талабаларнинг муқобил энергияга оид компетенцияларини ривожлантиришда дастурий таълим воситаларидан фойдаланиш методикаси самарадорлигини баҳолаш мезонинг бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезонинг нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба якунидаги ўзлаштириш тажриба бошидаги ўзлаштириш кўрсаткичидан юқори.



4-расм. Тажриба-синов ишлари натижалари диаграммаси

Статистик таҳлил натижасида баҳолар нормал тақсимотга эга, деб ҳисобланди. Бундай фараз ўринлидир, чунки нормал тақсимотга яқинлашиш шартлари содда бўлиб, улар бажарилди.

Талабаларнинг муқобил энергияга оид компетенцияларини ривожлантиришда дастурий таълим воситаларидан фойдаланиш методикасини такомиллаштиришнинг самарадорлик даражасини аниқлаш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари математик-статистик таҳлил қилиниб, тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш самарадорлиги назорат гуруҳига нисбатан 12 % юқори эканлиги аниқланди.

Хулоса

Дастурий таълим воситалари асосида талабаларнинг муқобил энергияга оид компетенцияларини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Илмий, ўқув-методик ва психологик-педагогик адабиётлар, 5112100-Технологик таълим йўналиши ўқув жараёнини ташкил этишга оид меъёрий ҳужжатлар, олий таълим муассасаларида мутахассислар тайёрлаш ҳолати ва уларнинг касбий тайёргарлигига қўйилган талабларни ўрганиш, талабаларнинг муқобил энергияга оид компетенцияларини ривожлантиришда дастурий таълим воситаларини самарали қўллаш моҳияти ва таълим жараёнидаги ўрни илмий-методик жиҳатдан асосланди.

2. Талабаларнинг муқобил энергияга оид компетенцияларини ривожлантиришда дастурий таълим воситаларини қўллаш методикасини такомиллаштириш асосида умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича ўқув ахборотини кўргазмали-образли ва вербал-манتيкий тарзда ҳавола этиш имкониятлари (қулайлик, визуаллик, амалий йўналганлик) аниқланди.

3. Талабаларнинг муқобил энергияга оид компетенцияларини дастурий таълим воситалари асосида ривожлантириш модели (мақсад, жараён, натижа)га мувофиқ, талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашга оид дидактик ва методик талабларни амалга оширувчи, уларнинг муқобил энергияга оид компетенцияларини ривожлантиришнинг изчиллиги ва кетма-кетлигини таъминлаш мақсадида умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича ўқув материаллари, таълим воситаларини танлаш ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш методлари кўрсатиб берилди.

4. Талабаларнинг муқобил энергияга оид компетенциялари (ижтимоийлик, коммуникативлик, интеллектуаллик, ахборотлилик)ни ривожлантиришга қаратилган ўқитишнинг замонавий технологиялари, шунингдек, таълим олувчиларни ўқув ахборотларини мустақил излаш ва ўрганишга фаол жалб этиш, таълимга тез мослаша олишларини назарда тутувчи “Alternative solution”, “Targeting method” ва “Concept analysis” каби интерфаол ўқитиш методларини қўллаш таълим самарадорлигин оширишга ижобий таъсир кўрсатиши аниқланди.

5. Умумкасбий ва ихтисослик фанлари (“Таълим тизимида муқобил энергия манбалари”, “Электротехника, радиотехника ва электроника”) бўйича ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини лойиҳалаш босқичлари тузилмаси, мазмуни ва технологияси ишлаб чиқилиб, у асосида ўқитиш методикаси (талаба, компьютер ва ўқитувчининг ўзаро таъсирлашувининг мантиқан тартиблашган тизими) таклиф этилди, мультимедиа технологияси ва виртуал реалликка асосланган ўқитишнинг замонавий дидактик воситалари ҳамда тарбиявий характердаги интегратив топшириқлар мажмуаси ишлаб чиқилди.

6. Таълим жараёнида самарали фойдаланиш учун мўлжалланган ўқитишнинг дастурий таълим воситаларини, ўргатувчи, машқ қилдирувчи,

ривожлантирувчи, назорат қилувчи ва баҳоловчи таълим воситалари сифатида қўллаш, бўлажак мутахассис ўқитувчиларнинг, ахборотларни излаш, тўплаш, қайта ишлаш, сақлаш ва узатиш бўйича фаолият мазмунини бойитиш, ўқитиш методлари ва ташкилий шаклларининг характерини ўзгартириш омиллари ва кўрсаткичлари аниқланди. Articulate Studio, Exe Learning, Lectora ва iSpring Suite дастурлари асосида мультимедиали дастурий таълим воситаларини ишлаб чиқиш имкониятлари асосланди.

7. Талабаларнинг муқобил энергияга оид компетенцияларини ривожлантиришда дастурий таълим воситаларидан фойдаланиш методикасининг самарадорлик даражасини аниқлаш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари математик-статистик таҳлил қилиниб, тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш самарадорлиги назорат гуруҳига нисбатан 12 % юқори эканлигини кўрсатди.

Дастурий таълим воситалари асосида талабаларнинг муқобил энергияга оид компетенцияларини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари қуйидаги методик тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берди:

- мутахассис ўқитувчилар тайёрлаш малака талабларида кўрсатилган умумтехник кўникмаларни шакллантиришнинг дидактик имкониятлари (қулайлик, визуаллик, амалий йўналганлик)дан самарали фойдаланиш мақсадида Articulate Studio, Exe Learning, Lectora ва iSpring Suite дастурлари асосида дастурий таълим воситалари ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ;

- талабаларнинг муқобил энергияга оид компетенциялари (ижтимоийлик, коммуникативлик, интеллектуаллик, ахборотлилик)ни ривожлантиришга қаратилган “Alternative choice”, “Targeting method” ва “Concept analysis” каби интерфаол ўқитиш методларини ўқув жараёнига интегратив сингдириш лозим;

- олий таълим муассасаларида муқобил энергияга оид таълим жараёни қамровини кенгайтириш, бўлажак мутахассисларнинг муқобил энергияга оид компетенцияларини ривожлантиришда мультимедиали ўқитиш платформаси имкониятларидан фойдаланиб дастурий таълим воситаларини ишлаб чиқиш ва улардан унумли фойдаланиш лозим.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ № PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ЖАМИЛОВ ЮСУФ ЮНУС УГЛЫ

**УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИКИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ
ПРОГРАММНЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ СРЕДСТВ В РАЗВИТИИ
КОМПЕТЕНЦИЙ СТУДЕНТОВ ПО АЛЬТЕРНАТИВНОЙ ЭНЕРГИИ**

13.00.02 – Теория и методика образования и воспитания (физика)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Бухара – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2021.2.Phd/Ped2538

Докторская диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Ученого совета (www.buxdu.uz), а также в информационно-образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Қаҳҳоров Сиддиқ Қаҳҳорович
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Шодиев Ризомат Давронович
доктор педагогических наук, профессор

Нуруллаев Бобомурот Нажмиддинович
кандидат педагогических наук, доцент

Ведущая организация:

Ургенчский государственный университет

Защита диссертации состоится «__» _____ 20 года в «__» часов на заседании Ученого совета № PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 при Бухарском государственном университете (адрес: 200117, город Бухара, улица М.Икбол, дом №11. Тел: (0 365) 221–29–14; факс: (0 365) 221–57–27; e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного университета (зарегистрирована под номером ____). Адрес: 200117, город Бухара, улица М.Икбол, дом №11. Тел.: (0 365) 221–25–87).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 20 года.
(протокол реестра под номером ____ от «__» _____ 20 года)

Б.Р. Адизов
Зааместитель председателя научного совета по присуждению ученых степеней, д.п.н, профессор

М.Ф. Атоева
Секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.п.н. (PhD), доцент

Х.О. Джураев
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.п.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость диссертации. В мире уделяется отдельное внимание на усовершенствование образовательного процесса на основе инновационных требований, широкое использование учебных материалов, связанных с интеграцией знаний по альтернативной энергии с предметами, основанной на экономности и охране окружающей среды в развитии экономики. В системе образования развитых стран осуществляются работы по развитию компетенций, связанных с эффективным использованием передовых опытов и программных образовательных средств, технико-технологическими особенностями образования источников энергии у обучающихся, возможностями использования сложных процессов образования энергии.

В мировом масштабе проводятся научно-исследовательские работы, направленные на дидактические подходы формирования навыков, связанных с трансформацией знаний студентов высших образовательных учреждений по альтернативной энергии, педагогическими особенностями, экономными технологиями энергии, моделированием физических явлений, использованием информационно-коммуникационных технологий в образовании. Данные научные искания служат развитию у обучающихся частных и базовых компетенций по физическим процессам образования видов инновационной энергии, повышению культуры эффективного, рационального, а также экономного использования альтернативных источников энергии.

В нашей стране возникла возможность повышения эффективности обучения с использованием программных образовательных средств при реформировании системы высшего образования, модернизации материально-технической базы высших образовательных учреждений, усовершенствовании содержания учебного процесса на основе международных образовательных стандартов, развитии компетенций у студентов по альтернативным источникам энергии на основе усовершенствования системы подготовки кадров. В 2021-2023 годах в программе комплексных мероприятий по обеспечению результативности научных исследовательских работ в сфере повышения качества образования по физическим наукам и физики, “установлены задачи по широкому внедрению современных методов обучения, в том числе информационно-коммуникационных технологий в образовательный процесс; внедрению “виртуальных лабораторий” в образовательный процесс; проведению специальных лекционных и практических занятий для студентов по образовательным программам в области использования солнечной энергии и альтернативных источников энергии; развитию научно-исследовательских работ в области полупроводной физики, микроэлектроники, материаловедения и альтернативных источников энергии”¹. В этой связи

¹ Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-5032 «О мерах по повышению качества образования и совершенствованию научных исследований в области физики». - Ташкент, 2021 г. 19 марта.

имеет важное значение усовершенствование методики обучения на основе разработки методических предложений и рекомендаций, программных образовательных средств по развитию инновационных знаний, навыков и умений по альтернативным источникам энергии, а также по экономным технологиям энергии в системе образования.

Данное диссертационное исследование послужит осуществлению задач, установленных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” за № УП-4947 от 7 февраля 2017 года, “Об утверждении концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года” за № УП-5847 от 8 октября 2019 года, “О мероприятиях по дальнейшему развитию системы высшего образования” за № ПП-2909 от 20 апреля 2017 года, “О программе мер по дальнейшему развитию возобновляемой энергетики, повышению энергоэффективности в отраслях экономики и социальной сфере на 2017-2021 годы” за № ПП-3012 от 26 мая 2017 года, “О мероприятиях по коренному улучшению условий для развития сферы информационных технологий в республике” за № ПП-5099 от 30 июня 2017, “О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах» за № ПП-3775 от 5 июня 2018 года, “О повышении качества образования и развитии научных исследований в области физики” за № ПП-5032 от 19 марта 2021 года, Законе Республики Узбекистан “Об использовании источников возобновляемой энергии” за № ЗРУ-539, а также в других соответствующих нормативно-правовых актах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением IV. “Формирование системы инновационных идей и пути их осуществления в социальном, правовом, экономическом, духовно-просветительском развитии информированного общества и демократического государства” развития науки и технологий республики.

Степень изученности проблемы. Научные искания по совершенствованию и практическому внедрению альтернативных источников изучены в работах ученых республики Г.Умарова, Р.Захидова, Р.Муминова, М.Бахадирханова, А.Мамадолимова, Р.Авезова, А.Абдурахмонова, М.Саидова, Н.Зикриллаева, Х.Илиева, Р.Алиева, Б.Очилова, Ю.Якубова, Б.Хайриддинова, Т.Джураева, стран СНГ А.Тлеуова, В.Германовича, Ю.Сибикина, зарубежных стран Дж.Твайделла, Д.Бойлса, В.Sorensen, N.Tiwari, С.Танаки S.Fonash, G.Boyle.

Вопросы по усовершенствованию методики обучения точным и естественным наукам, применению информационно-коммуникационных технологий и программных образовательных средств исследованы Б.Мирзаахмедовым, К.Турсунметовым, Н.Турдиевым, К.Суяровым, Ж.Усаровым, М.Курбоновым, М.Джораевым, Ю.Махмудовым,

